

Сўнгги пайтда Марғилон локомотив депосида иш жойларини яхшилаш ва таъмирлаш сифатини ошириш борасида 27 миллион сўмлик ишлар бажарилди.




Касбим масъулиятли эканлигидан фахрланаман, — дейди И.Хожиёва. — Вокзалимиздан нафақат Тошкентга, балки Андижон, Самарқандга, Қарши ва Қоровулбозорга ҳам поездлар қатнайди.



«Салтанат обрўси» учун ўйнаётган бўлса-да у арзимаган пул учун ҳам дона сураверди. Шон-шўхратининг бир илдизи сиёсий заминдан сув ичишини Бобби яхши биларди.

Insonga naf keltirish — oliy baxt



Ishonch

Виждон
олийжаноб
инсоннинг
одил
ҳақамидир.

АРАСТУ

2008-yil
27-sentabr, shanba
№119 (2532)

Ўzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кўни деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармониға мувофиқ:

- 2008 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кўни 1 октябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг муражаати инобатга олинсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.
- Республика «Нуроний», «Махалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.
- Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2008 йил 26 сентябр



Олмалиқдаги «Аммофос» ОАЖ Қизилқум фосфоритларидан мураккаб азот-фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан биридир. У 1969 йилнинг декабрида ишга туширилган. Корхона таркибиде 2 та аммофос цехи, 2 та экстракцион фосфорли кислота цехи, сульфат кислота, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш тармоғи, бир қатор ёрдамчи цехлар ва «Махат Uzbekistan» ўзбек-испан қўшма корхонаси мавжуд. У йилга 217,5 минг тонна фосфорли ўғитлар ва 500 минг тонна сульфат кислота ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона маҳсулотига ички бозорда эҳтиёж катта. Минерал ўғитлардан турли минтақаларда барча экин турларини озиклантиришда фойдаланиш мумкин.

Икорн ҲАСАНОВ олган суратлар



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, ИЛМИЙ ХОДИМЛАР ВА ТАЛАБАЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш, халқимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга ошириш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, юқори малакали замонавий мутахассислар тайёрлаш ишига қўшаётган салмоқли хиссаси ҳамда илмий-тадқиқот ва педагогика соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Бобоев Туйғун Мирзаахмедович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети полимерлар кимёси кафедраси профессори
Норкулов Незмат — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети физикавий электроника кафедраси мудири

Республикаимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, соҳага илгор педагогик технологияларни жорий этиш, талаба ёшларга замонавий билим асосларини ўргатиш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари, миллатларaro дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўшаётган хиссаси ҳамда ўқишда ва жамоат ишларида алоҳида ўрнқ курсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шўхрати» ордени билан

Ғозиев Эргаш — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети психология кафедраси мудири
Эрназаров Қудрат Туганович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултети декани

Мамашокиров Саидмурод — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа кафедраси профессори

Троицкий Виталий Иванович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети геология кафедраси профессори

Ҳикматов Фазлиддин — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети курулик гидрологияси кафедраси мудири

«Дўстлик» ордени билан

Лян Григорий Михайлович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети математик анализ кафедраси доценти

Набиев Тимур Эрикович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жисмоний тарбия кафедраси мудири

Шереметьева Анна Геннадьевна — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети рус тилшўнослиги кафедраси мудири

«Шўхрат» медали билан

Абдуазизов Дилшод Рустамович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети иктисодиёт факултети магистратурасининг 2-курс талабаси

Власов Сергей Игоревич — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети яримўқазгичлар ва

диэлектриклар физикаси кафедраси мудири

Икромов Салима Мелиқўзиевна — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи

Каримбоев Элдор Холмуродович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети физика факултети магистратурасининг 1-курс талабаси

Мавлонов Шавкат Муртазович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факултетининг 3-курс талабаси

Мамараимов Зоҳиджон Усмонович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети геология-тулроқшўнослик факултети магистратурасининг 1-курс талабаси

Неъматова Муҳаббат Набиевна — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ахборот-ресурс маркази раҳбари

Расулова Мадина Фарходовна — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биология-тулроқшўнослик факултети магистратурасининг 1-курс талабаси

Тожиёв Эрма — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшўнослиги кафедраси профессори

Чинниқулов Холдор — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети замонавий геодинамика ва геонформатика кафедраси доценти

Чориев Ҳуснурод Қўнғиротович — Тошкент шаҳридаги «Ешлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 26 сентябр

Эзгуликка элтувчи йўллар

Ўзбекистон темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қутлимурот СОБИРОВ билан суҳбат



— Истиқлол йилларида амалга оширилган ишларнинг шакли-шамойили ва мазмун-моҳиятини бугун бутун дунё эътироф этиб турибди. Бу шак-шубҳасиз, мамлакат қон томири дея таърифланмиш темирйўл қурилишини ҳам назарда тутди. «Навой—Учкудук—Султон Увайстог—Нукус» ҳамда бундан бир йил муқаддам фойдаланишга топширилган «Тошгузар—Бойсун—Қумқўрган» темирйўллари айнан мустақиллик шарофатидандир. Ваҳоланки, бундай бунёдкорлик шижоати собиқ иттифоқдош республикаларнинг бирортасида кўзга ташланмайди. Сизнингча, Ўзбекистон феномени нималарда ўзигини намойён этмоқда?

— Биз кўпинча салоҳиятимизга муносиб баҳо бермоқчи бўлсак, бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темурнинг «Қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, биз қурган биноларга боқинг», деган сармаъу сўзларига эътиборни тортаман. Аслида бу ҳикмат барча соҳаларга тегишли, жумладан, темирйўл хизмати ва қурилишига тааллуқлидир.

Истиқлол йилларида амалга оширилган лойиҳалар чиндан-да «аср мўъжизаси» дея эътироф этилганча бор. Болалигимизда эшитганимиз эртақларда «қуш унса қаноти, одам юрса оёғи» қуядиган поёнсиз қум барханлари оша пўлат излар ётқизиши

ҳамда Амурдарё узра узунлиги 681 метрли қўшма кўприк бунёд этилишини зўр ифтихор билан нишонлаган халқимиз бамисоли Фарҳод мисол тоғларни талқон қилиб, жанубий йўналиш бўйича қурилган темирйўлни катта шодибналик билан олқишлаганди. Чунки азал-азалдан маълумки, қаердан сув ва йўл ўтган бўлса, унинг ҳар икки томонида бог-роғлар, уй-жойлар, ишлаб чиқариш иншоотлари ҳаётӣ эҳтиёж сифатида ўзлигини намойён қилверган.

Бугун «Тошгузар—Бойсун—Қумқўрган» темир йўли бўйлаб юрган одам канчалар улкан ишларга қўл урилганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Янги йўлда бири-бирдан ажойиб ва чиройли вокзал ҳамда бекатлар қад ростламоқда, маданий-маиший инфратузилма тобора кенг қулоқ ёзиб, қулай шарт-шароитлар мужассам этилган турар-жойлар бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда. Хуллас, темир йўл келиши туфайли ҳар жабҳада ҳаёт қайнаб, одамлар янги-янги иш ўринлари билан таъминланмоқда.

Биз фахр билан тилга олганимиз «Навой—Учкудук—Султон Увайстог—Нукус» ҳамда «Тошгузар—Бойсун—Қумқўрган» темирйўллари учун ўзига хос аҳамияти ва моҳияти шундаки, улар юртбошимиз таъбири билан айтганда, бизнинг энг буюк бойлигимиз — бунёдкор халқ-

имизнинг куч-қудрати нималарга қодир эканлигини бутун дунёга намойён этди. Бу — мамлакатимиз бундан бундан ҳам ўсиш ва юксалиш пиллаполярларидан дадил одимлаб, жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ва ўзига мос муносиб маъқега эга бўлади, деганидир.

— Билмадик, бизга шундай туюладими ёки чиндан ҳам шундайми, ҳар ҳолда сиз етакчилик қилаётган тармоқда бандлик масаласида айтарли муаммо йўқдек. Агар мумкин бўлса, шу ҳақда ҳам наълумот берсангиз.

— Тўғри пайқабсиз, Бунга асосий сабаб, бу «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компаниясида кадрларни тайёрлаш, уларни танлаш, тарбиялаш, қобилиятларига қараб жой-жойларига қуйишга катта аҳамият берилиб, худудларда кадрлар бўлимлари томонидан бир қатор аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар оғишмай амалга ошириб келинаётганлигидир.

(Давоми 2-бетда)

Ислоҳ КАРИМОВ:

«Халқимиз азал-азалдан йўл қурган, эл-юрт узоғини яқин, мушкулни осон қилган одамларга доимо иззат-иқром кўрсатиб келади. «Йўл қурганинг йўли очик», деган чуқур маъноли сўзлари ҳам бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир».

«Йўл қурганнинг

Ўзбекистон Қаҳрамони


Юртим Жамолига боқиб тўймайман

Истиклол йилларида юртимизда улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, асримизнинг мўъжизаси деб эътироф этилган «Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон» темирйўлининг қуриб фойдаланишга топширилганлиги фикримизнинг далилидир. Умумий қиймати 450 миллион АҚШ долларига тенг, узунлиги 223 километри ташкил этадиган темирйўл қурилишида «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли юзлаб корхоналарнинг 5 мингга яқин муҳандис-техник, ишчи-хизматчилари иштирок этишди. Шулардан бири, оддий ишчи Ҳамза Маҳкамовни излаб «Хайробо» ПМСга борганимизда, уни қурувчилар билан келгуси ишлар ҳақида гурунлашиб ўтирган вақтда учратдик. Барчанинг кайфияти баланд.

«Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон» темирйўли қурилишида муаммоларга дуч келаятганини айтиб ёрдам сўради. Маъмурият ва касба уюшма ташкилоти билан келишилган ҳолда кўмакка муҳтож хонадонга меҳр-мурувват кўрсатилди. Тармоқда меҳнат қилган 98 ёшли Қодир бобо Тўраевнинг кўзлари оғир бўлиб қолди. Отахонга астойдил кўмак беришга шайландик. Тошкент шаҳрида танкили жароҳлар кўмағида мураккаб операция амалга оширилди. Касаба уюшма бевосита бу ишга бош-қош бўлди. Нурони кўзига зий ёқиб қолди.

«Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон» темирйўли қурилиши майдонига тез-тез бориб турардим. Денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда бунёд этилган кўприклар устига темирйўл рельсларини ўрнатаётган бир-биридан эпчил йигитларнинг бажараётган ишларини кўриб, булар юртимизнинг фидоилари-ку, — дея фахрландим. Чунки, бу борада мисли қўрилмаган ишлар бажарилаётган эди. Ана шу залворли тоғлар оралиб ўтаётган поездларнинг буғунги қатновида жамоанинг кайта қуришда меҳнат қилдим. Асрий тоғу тошлар, дашту биёбонлар бағрида туну кун меҳнат қилиб 223 километри «Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон» темирйўли қурилишида сафдоларим билан салкам 104 километр масофага темирйўл рельсларини ўрнатаишда фаоллик кўрсатдим. Оддий касб — олий касб экан. Йўл қурганлар яхшиларнинг дуоларини олarkan. Мендек оддий йўлсознинг меҳнатлари эътироф этилиб, Ватанинг юксак мукофоти, Ўзбекистон Қаҳрамони унвони-га сазовор бўлдим.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири



Ибрат



Суратларда: Кўкон локомотив депоси фаолиятдан лавҳалар

Бирлашган ўзар

Ўзбекистон темирйўлларига қарашли Кўкон локомотив депоси Фарғона водийсида ягонадир.

унинг жойлардаги тармоқларида таъмирлаш ишларини кўнгилдагидек йўлга қўйишимизда иш ҳажмининг кескин камайган даврида ҳам одамларга четдан бўлса-да, иш топиб кадрларни сақлаб қолганимиз яхши бўлди, — дейди кўп йиллардан буюн Кўкон локомотив депоси бошлиғи Абдумалиб Пайзиматов. — Мисол учун, Марғилондаги эски паровозларни таъмирлаш жойини шу кунларда 10 метрга кенгайтиряймиз. Умуман, сўнгги пайтда Марғилон локомотив депосида иш жойларини яхшилаш ва таъмирлаш сифатини ошириш борасида 27 миллион сўмлик ишлар бажарилди.

Бу йил деподаги тиб-


биёт хоналари таъмирдан чиқарилиб замонавий тиббиёт асбоблари ва жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, корхонада руҳшунос ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Йўл-йўлакай депо бошлиғининг локомотив ҳўжаликлари ишини янада яхшироқ йўлга қўйиш, таъмирлаш сифатини ошириш борасидаги фикрлари билан қизиқдик.

— Аввало, ҳар бир депода кучли таъмирлаш базасини яратиш керак. Кейин эски эҳтиёт қисмларни ташлаб юбормасдан уларни қайта тиклашнинг йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, локомотивларни таъмирлаш билан машғул ўрта бўғин ходимларнинг билим савияларини кўнатириш, техник машғулотларни рисоладагидек ўтказишни йўлга қўйиш даркор, — дейди А.Пайзиматов. — Техник ва технологик жараён назоратини кўнатириш ҳам самарадорликни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Адҳам ДАМИНОВ

деполарига ижарага бериб талайгина маблағ топмоқда. Шу туфайли 2008 йилнинг беш ойида депода четдан 12 миллион тонна юк ташиш иши — иш ҳажми олиб келинди. Мавжуд тепловозларга нисбатан водийдаги иш ҳажмининг камроқ эканлигини ҳисобга олганда четта чиқиб ишлаш ва бу орқали маблағ топиш, яъни ўз жамоасига фойда келтириш ибратли ишдир. Бу ишни кўконлик локомотивчилар имкон қадар уйдлаб келишяпти.

— Асосий депомизда ва



Тантана

Ҳў тўйларини нишонлашди

Аср мўъжизаси ҳисобланган «Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон» темирйўли бунёд этилиши билан йирик магистрал ўтадиган ҳудудда одамларнинг ишлаши ва яшashi учун барча қулайликларга эга бўлган инфрамуҳитлар вужудга келди. Қисқа муддатда 15 та бекат ва тўхташ жойлари қурилди. Мактаблар, болалар боғчалари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростланди. Тошгузардан кейинги бекат «Дехқонобод». Учта кичик бекатдан сўнг йўл тобора кўтарилди боради. Дехқонобод бекати учун анчайин текис жой танланган. Гўеки поезд денгиз сатҳидан 1540 метр баландликда довондан ошиб ўтиши олдидан бу ерда бироз нафасини ростлаб оладигандек.

Йирик магистралнинг қон томирларидан ҳисобланган бекатнинг фойдаланишга топширилиши ҳудуд иқтисодий-ижтимоий ҳаётини, аҳоли турмуш тарзининг ўзгаришига ижобий таъсир кўрсатди. Бекат бошлиғи Сирожиддин Норқобилов темирйўл ҳўжалигини яхши биладиган тиниб-тинимас мутахассис. Поездлар ҳаракатини тартибга солиш, йўловчилар ва юк ташиш жараёнида раҳбарлик қилиш вазифаси унинг зиммасига юклатилган. Яқинда у ҳам ўзининг ҳовли тўйини ўтказди. Бундан икки йил олдин бу ерда фақат вокзал биноси бор эди. Эндликда манзара бутунлай ўзгариб, кичик бир шаҳарча тусини олди. Равон кўчалар, қарағайзор боғ, кўркам хиёбон, шишадек текис асфалт йўлни кўриб, беихтиёр ҳайратингиз ошади. — Темирйўлчилар учун бир-бирдан чиройли олтига ҳовлили уй-жой, замонавий спорт мажмуи қурилди, — дейди бекат бошлиғи биз билан сўхбатда. — Яна 36 та коттеж, мактаб, болалар боғчаси, маиший хизмат ва савдо хизмати кўрсатиш тармоқлари бунёд этилади. Темирйўлчилардан 6 нафари ҳовли тўйларини нишонлашди. Турар-жойнинг хоналари яшаш учун қулай, экин-тиник қилиш учун томорчаси ҳам бор. Табиий газ, ичимлик суви, электр энергия таъминоти йўлга қўйилган. — Янги уйда яшаётганимдан мамнунман, — дейди кекса темирйўлчи Йўлдош ака Солипов. — Оилада кўпчиликмиз. Қаранг, бундан ортик шароит бўладими?! Баҳорда ҳовлимиз олдида гулзор яратамиз, томоркада सबзаоват, полиз маҳсулотлари, мewa-чева етиштирамиз. — Янги йўл минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўзгарилади, — дейди кўп йиллар Дехқонобод туманида раҳбарлик вазифаларида ишлаган меҳнат фaҳрийси Тожи бобо Холпураев. — Утган йили август ойида мана шу бекатда Президентимиз билан учрашган эдик. Мулоқот чоғида янги темирйўлнинг стратегик аҳамияти, мамлакатимиз экспорт ва транзит салоҳиятида тугган ўрни, энг муҳими, одамлар ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришлар ҳақида сўз борган эди. Уша учрашув умрбод ёдимда сақланиб қолади. «Чак-чак» довоида «Оқрабoт» бекати жойлашган. Бундан қаранг-ки, янги йўл темирйўлчи Шарофиддин Назаровнинг уйи устидан ўтадиган бўлди. Нима ҳам дерди, кўпчиликка келган тўй. Янги турар-жой қурилган, биринчилардан бўлиб унга Шарофиддин кўчиб ўтди. Раҳбарлар Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтини битирган ёш мутахассисни бекат бошлиғи вазифасига тайинлашди. Янги уйлاردан биттаси локомотив депоси машинистлари ихтиёрига берилди. Бекат ҳудудида бир-бирдан чиройли 24 та ҳовлили коттеж қад кўтараяпти. Темирйўлчилар яқин арафада ҳовли тўйларини ўтказиш тараддулида. «Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон» темирйўли мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим ўринни эгаллаш билан бирга неча асрлар мобайнида Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган қадимий Буюк Ипак йўлини тиклашда катта аҳамият касб этади. Республика гигант саналмиш калйили ўнгитлар заводи маҳсулотлари ҳам шу йўл орқали жўнатилади. ...Карнай-сурнай ва мусика оҳангларига дехқонободлик бахшининг ёқимли овози қўшилиб тўйга фазз қиради. — Темирйўлчилар ҳовли тўйларини ўтказишяпти, — деди ҳамроҳим «Қарши-Термиз» минтақавий темирйўли ҳудудий касаба уюшма кўмитаси расиси Бахтиёр Жўраев. — Насиб этса, келажакда бундай тўй тўйларининг кўпини кўраимиз. Ҳовли тўйлари кўпаяверсин!

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшма йўлланмаси билан

Ишлаб чиқариш жабҳасида юксалишга эришмоқчи бўлган ташкилотда албатта инсон омилга эътибор қаратилади. Зотан, жисман соғлом, руҳан тетик кишигина жамиятга, оиласига кўпроқ наф келтириши мумкин.

Тармоқдаги 27 корхона ва ташкилотда иш берувчилар билан мулоқотларимиз жамоа шартномалари асосида, қонуний доирада олиб борилади. Муддао темирйўл хизматчиларига муносиб иш, турмуш шароитларини яратишдан иборатдир.

лан, соҳа ходими Тоир Абдуллаев хонадони таъмири масаласида муаммоларга дуч келаятганини айтиб ёрдам сўради. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти билан келишилган ҳолда кўмакка муҳтож хонадонга меҳр-мурувват кўрсатилди. Тармоқда меҳнат қилган 98 ёшли Қодир бобо Тўраевнинг кўзлари оғир бўлиб қолди. Отахонга астойдил кўмак беришга шайландик. Тошкент шаҳрида танкили жароҳлар кўмағида мураккаб операция амалга оширилди. Касаба уюшма бевосита бу ишга бош-қош бўлди. Нурони кўзига зий ёқиб қолди.

Утган фурсат тармоқда меҳнат қилаётган 102 нафар киши Назарбек, 37

Одамлар кўнглини овлаб

Биз ишчи-ҳодимлар билан бир қаторда нафақахўр, кам таъминланган хонадонларга ижтимоий кўмак беришни ҳам зиммага олганмиз. Хисобимизга 700 нафардан ошиқ нафақахўр, 250 нафар кам таъминланган оилаларни киритганмиз. Шунингдек, қийналганларга кўмак кўрсатишнинг турли шакллари билан фойдаланиб келаямиз. Маса-

қилган 98 ёшли Қодир бобо Тўраевнинг кўзлари оғир бўлиб қолди. Отахонга астойдил кўмак беришга шайландик. Тошкент шаҳрида танкили жароҳлар кўмағида мураккаб операция амалга оширилди. Касаба уюшма бевосита бу ишга бош-қош бўлди. Нурони кўзига зий ёқиб қолди.

ри ҳам ҳодимлар хизматида. Меҳнатқашларнинг фарзандлари таълими «Дустлик» оромгоҳида ўтказишди. Мавсумда ҳаммаси бўлиб 989 нафар ёш мириқиб ҳордик чиқарди.

Муродулла РАҲМОНОВ, Бухоро минтақавий темирйўл узели ҳудудий касаба уюшма кўмитаси расисининг ўринбосари

(Боши 1-бетда)

Бунинг учун компания таркибида иккита темирйўл транспорти коллежи, шунингдек, темирйўл транспорти институтини бўлиб, мутахассисларга бўлган эҳтиёт асосан ана шу ўқув марказларини битириб чиққан йигит-қизлар ҳисобига қондирилади. Компанияда фойдаланишга топширилаётган янги ишоотлар, юк ташиш бўйича иш ҳажмининг ортиси, янги технологик жараёнларнинг кенг татбиқ қилиниши туфайли ишчи кадрларга бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Жумладан, 2006 йилда 276 нафар, 2007 йилда 507 нафар киши иш билан таъминланди. Жорий йилнинг олти ойида 250 нафар соҳа мутахассислари ўз иш ўринларига эга бўлди. Қолаверса, Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтини қўшида кадрлар малакасини ошириш темирйўл маркази ташкил этилганлиги ва тўлақонли фаолият олиб бораётганлиги буғунги кунда ўз самарасини бермоқда. Сўнгги икки йил ичиди ушбу ўқув даргоҳида етакчи ва оммавий касб эгаларидан 2755 нафари ўз малакаларини оширишга муассар бўлдилар. — Меҳнат муносабатлари бор экан, албатта, ижтимоий-иқтисодий ва

ҳуқуқий йўналишларда

у ёки бу даражада низолаҳ юз бериб туради. Тармоқ касаба уюшмаларининг бу масалаларда тугган ўрни қандай ва у қанчалар самара бермоқда? — Ушбу масаланинг ниҳоятда жиддий эканлиги назарда тутилиб, аввало, тармоқ таркибига кирган корхона ва муассасаларда иш берувчи билан ҳодим-

лувчи нималардир содир

бўлиб туради. Ва бу ўз-ўзини шикоят ва мурожаатларга йўл очиб беради. Бу ёғи ҳамма гап унга қандай муносабатда бўлишда. ...Қадамлар тили билан айтганда, жорий йилнинг олти ойи мобайнида тугган 14 та ариза ва шикоятнинг деярли ҳаммаси қаноатлантирилди. Шу ўринда бир масалага эътиборингизни тарта-

муносабатлари бўйича кели

бик чикадиган низоларни ҳал қилишда касаба уюшмаларининг роли катта. Бу борада турли семинар ва давра сўхбатлари ўтказиб бориш ҳам давр талабидир. — Темирйўлда ишлайдиган одамларни бир жойга жамлаш қийин. Шундай бўлгач, табиийки, уларнинг бошини қовуштиришнинг ўзи бўлмайди. Касаба уюш-

мақсадида Марказий кен

гаш тузилишида корхоналаримизнинг ҳудудий-ишлаб чиқариш принципи инobatга олинган. Ҳозирги кунда Марказий кенгаш тизимига тармоқ касаба уюшмаси 5 та ҳудудий касаба уюшма кўмита, транспорт қурувчилари корхоналарини бирлаштирган битта бирлашган касаба уюшма кўмита ва 16 та корхона бошланғич касаба

ушма ташкилотлари кир

ган бўлиб, минтақавий темирйўл узеллари ҳудудий касаба уюшма кўмиталари таркибига жойлардаги корхона, ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшма ташкилотлари бириктирилган. Бундан бешқари, барча даражадаги касаба уюшма органларида уюшмалар фаолияти йўналишлари бўйича доимий комиссиялар ишлаб турибди. УЗКУФК ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши қарорларини қуйи

Эзгуликка элтувчи

Йўли очик»

Яхши ташаббус

Бу йил Ўзбекистон темирйўлларида қарашли Кўкон минтақавий темирйўл узели қасаба уюшмаси томонидан ибратли бир ташаббусга қўл урилди. Тармоққа қарашли қорхона ва ташкилотларнинг қасаба уюшма гуруҳлари ўртасида «Йилнинг энг яхши қасаба уюшма гуруҳи» курик танлови ўтказилди. Унинг иштирокчилари учун йил давомида бажариладиган талаб ва шартлар дастури ишлаб чиқилди. Курик якунлари махсус хайъат томонидан йил якунида кўриб чиқилади.

— Жойларда Кўкон минтақавий темирйўл узели қасаба уюшма кўмитасига қарашли 41 та бошланғич гуруҳлар бор. Бунга Фарғона водийсининг уч вилоятидаги барча бекатлардаги қасаба уюшма гуруҳлари, «Нуроний» жамғармаси, «Тиклаш поезди», Темирйўлчилар маданият саройи, «Локомотив» ФСК, узел маъмуриятидаги қасаба уюшма гуруҳлари кирди. Бу тадбирни ўтказишимиздан мақсад тасарруфимиздаги қасаба уюшма гуруҳларида олиб борилаётган ишларни янада яхшилашдир, — дейди Кўкон МТУ қасаба уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Мамажонов. — Шартимизга кўра, голиб чиқиш учун ўша қасаба уюшма гуруҳлари йил якунида бўйича ўз қорхоналарида меҳнат муҳофазаси ва ҳаракат хавфсизлигини 100 фоиз таъминлаши, шунингдек, ишчиларга махсус иш кийимлари тўлиқ берилиб, бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилмаган бўлиши керак. Шунингдек, иш жойларининг тозаллиги, зарари меҳнат шaroитида ишлаётганлари сут махсулотлари билан таъминлаш, касалланишларининг олдини олиш ва касаллик варақаларини қаматириш, ювенил хоналарини мунтазам ишлаштириш, иш жойларида мўтадил ҳарорат ва ёруғлиқнинг меъёрида бўлиши каби 17 та талаб бор. (Ўз мухбирларимиз)



Сулола

САФАРИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

— дейди навбатчи Интизор Хожиева

Эрта тонг. Куз экинни баданни бироз жунжуқтиради. Вокзал майдони гавжум. Уларнинг аксарияти Тошкентдан келаётган 661-йўловчи поездидаги яқинларини кутиб учун чиқишган. Радио қарнайдан таниш овоз янгради. У куталаётган поезднинг вокзалга яқинлашаётганини эълон қилди.

Вокзал навбатчиси Интизор Хожиева ўзига ярашган махсус кийимларини тартибга келтириб, қўлга дастакли айлана темир диски олган ҳолда поездга пешвоз чиқди. Шу ёрнинг ўзиде у хизмат вазифани адо этаётган мутасадди ходимларга кўрсатмалар берди. Гўё одамларнинг хурсандчилиги Интизорга ҳам қўнғанди эди.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас вокзал яна йўловчилар билан гавжуллашди. Биринчи йўлга қўйилган замонавий «Шарк» тезкор поезд энди Тошкент томон шайланиб турибди. Вагонларга чиқаётган ҳамшахарларимиз ва хориқлик меҳмонларини навбатчи Интизор Хожиева

илиқ табассум билан кўзатмоқда.

— Сафарингиз беҳатар бўлсин. Манзилингизга соғ-омон етиб бориңг...

— Касбим масъулияти эканлигидан фохрланаман, — дейди И.Хожиева. — Вокзалимиздан нафақат Тошкентга, балки Андижон, Самарқандга, Қарши ва Қоровулбозорга ҳам поездлар қатнайди. Уларни қабул қилиши ва жўнатиши, вокзалда йўловчиларга кўрсатилган хизматлар даражаси, тозаллиги назорат қилиш буларнинг барчасини аъло даражада адо этиш талаб этилади.

Интизор темирйўлчилар оиласининг фарзанди. Отаси Тўра ака 32 йил, онаси Тўшбиби хола 29 йил Бухоро-1 станциясида меҳнат қиляган. Интизор ҳам ўрта мактабни битириб, тўғри шу ерга ишга келганди. Мана, ушанга ҳам 22 йил бўлибди. Ўтган давр мобайнида у ўқиб, малакасини оширди, тажриба орттирди. Ушлаб шогирдлар тайёрлади.

Бугун эса «Ўзтемирйўлйўловчи» очик акционерлик жамиятига қарашли «Бухоро вокзали» филиалининг энг обрў-эътиборли ходимларидан. Онаси касбига ҳавас қилган қизи Санобар ҳам темирйўлчиликни танлади. Хозир у коллежнинг ўқувчи навбатчиси гуруҳи 3-курс талабаси...

— 79 кишилик жамоамиз ўртасида Интизор Хожиевани ўз ўрни бор, — дейди «Бухоро вокзали» филиали бошлиғи Олим Турдиев. — Унинг меҳнатга муносабати, ҳушёрлиги, тиришқоқлиги ва ҳушмуомаласи кўпчиликка ибрат. Айниқса, жамоамизнинг 70 фоизини ташкил этадиган ёшларнинг ундан ўрнак олаётганликлари туфайли филиал муваффақиятлари кўпаймоқда. Масалан, 2007 йилнинг 8 ойи мобайнида вокзалимиздан 457,4 минг йўловчини кузатиб, 1,496 миллион сўм даромад қилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 520,5 минг йўловчи манзилига узатилди ва 4,405 миллион сўм кирим

қилинди. Бундай ўсиш кўп жиҳатдан йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси кескин ошганилиги билан боғлиқ.

Бу ерда ташкил этилган меҳмонхона, депутатлар ва сенаторлар хонаси, авиа чиптахонаси, буфет, фотосалон, компютер, маънавият ва маърифат хоналарида барча қўлайликлар яратилган. Когон ва Бухоро шаҳарларида қўшимча чиптахоналар ташкил этилгани йўловчиларга манзур бўлмоқда.

Ушбу ибратли жамоада меҳнат аҳлига қандай ҳамхўрлик кўрсатилганлиги ҳақида вокзал бошланғич қасаба уюшма кўмитаси раиси Тolib Жумаев шундай деди:

— Хар куни 2,5-3 минг нафар йўловчи намунали хизмат кўрсатаётган ходимларимизнинг ўртача ойлик маоши 250 минг сўмни ташкил этмоқда. Режа-топшириқларини мунтазам ошириб бажарилаётгани бос ҳар ойда ойликка 25 фоздан қўшимча муқофот ҳам берилаётти. «Жамоа шартномаси»га қўшимчалар киритилиб аъзоларимизга даволаниш, дори-дармон ва санаторийларга бепул йўланмалар берилдиган бўлди. Бошқа имтиёзларини ҳам кўпайиб бораётгани ҳам ходимларимизни яхшироқ ишлашга қорламоқда. Энг муҳими, меҳнат аҳлига яратилган қўлай шарт-шaroитлар, ходимларнинг юксак масъулиятни ҳис қилишлари муваффақият омили бўлмоқда.

Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Суратда: вокзал навбатчиси Интизор Хожиева

Маданият масканларида



Дунё кезган болалар

Хар бир инсон кун бўйи ишлаб толиққач, каергадир бориб чарчоғини ёзгиси ёки бўш вақтини фойдали ишга сарфлагиси келади. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Марказий темирйўлчилар маданият саройи» мана шундай эзгу ишни амалга ошириб келаятган зиб масканларидан.

— Айни вақтда бизда 32 та тўғарак фаолият кўрсатмоқда. Мақом, ўзбек халқ чолгу ансамбллари шулар жумласидандир. «Эй санам» ўзбек рақс ансамбли эса ҳамшахарларимизга яхши таниш, — дейди маданият саройининг директори ўринбосари Дилором Мансурова. — Бундан ташқари, бу ерда тасвирий санъат ишчибозлари ҳам сабоқ олишлари мумкин. Инглиз тилига қизиқувчилар ҳам бизда кўпчиликини ташкил этади. Ольга Янкова, Олга Содикова каби тўғарак раҳбарлари уларга сабоқ беришяпти.

Маданият саройида 48 мингдан зиёд китоб жамғармасига эга бўлган кўтубхона фаолият юритаётганлиги ҳам барчани мамнун этмоқда. «Ассалом қўёш» хореографик дастаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур ансамбл анъанавий фольклор рақсларини ҳамда халқимизнинг бой маданий меросини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиб келяпти. Москва, Днепрпетровск, Батуми, Самара, Екатеринбург, Санкт-Петербург, Сочи шаҳарларида ва Канадада бўлиб ўтган санъат кўрикларига голибликни қўлга киритган жамоа муҳлислари йил сайин ортиб бораётти.

Айниқса, Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро фестивал ниятда катта муваффақият келтирди. Ансамбл Туркиянинг Анкара, Болгариянинг Сливен — Варна, Франциянинг Ганна шаҳарларида, Япониянинг Ишигаки оролида ўтказилган халқаро фестивалларда ҳам совриндорлар қаторидан ўрин олганлиги, 2000-2006 йилларда Швейцария, Греция, Голландия, Франция, Бельгия, Италия мамлакатларида ўтказилган халқаро фестивалларда яна бир қарра мутахассислар назарига тушганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ансамблда асосан темирйўлчиларнинг 3 ёшдан 13 ёшгача бўлган болалари иштирок этишади. Неча йилки, бадиий раҳбар Муборак Мирзаева ёшларга рақс сирларини ўргатиб келмоқда. — Айни вақтда репертуаримиздан 100дан зиёд ўзбек ҳамда жаҳон халқлари рақслари ўрин олган, — дейди Муборак опа. — Айниқса, Бельгия мамлакатининг Сан-Гилен шаҳрида ўтказилган халқаро фестивалидаги иштирокимиз ёдимиздан чиқмапти. 15 минг нафардан зиёд томошабинлар бизни узок вақт олқишлашганди.

Албатта, ҳеч нарса ўз-ўзидан бўй кўрсатмайди. Мунтазам эътибор, тинимсиз ғамхўрлик ўша самарасини бермоқда. — Барча муваффақиятларимизнинг асосий омили «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ҳамда тармоқ қасаба уюшмалари Марказий кенгашининг доимий равишда қўллаб-қувватлаши бўлмоқда, — дейди Дилором Мансурова, — Эеро, меҳнаткашларни кўнглили хордиқ чиқаришлари қаерда яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда сўзсиз муваффақият бўлади.

Неъмат РАФИКОВ «Ishonch» мухбири

Муносиб ҳозирлик

Шу йилнинг ноябр ойида юртимиздаги энг гўзал ва навқирон шаҳарлардан бири Навоий шаҳрининг 50 йиллик юбилейи нишонланади.

Бу кутлуг санага қорхона ва ташкилотлар муносиб тайёргарлик кўрмоқда. Жумладан, вилоят марказидаги темирйўл вокзалида ҳам туб таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмақда.

— Таъмирлаш ишлари ниҳосига етай деб қолди. Йўловчилар манфаатидан келиб чиқиб, вокзал биносининг ичида турли салқин ичимликлар, озик-овқат махсулотлари ва кундалик эҳтиёжга керак бўладиган махсулотлар сотиладиган дўкан, шунингдек, буфет ишлана турибди. Узоқ яқиндан келадиган йўловчиларнинг дам олишлари учун вокзал биносининг иккинчи қаватида 15 ўринли меҳмонхонамиз бор. Уларда йўловчиларнинг дам олишлари учун барча шaroитлар мавжуд, — дейди Навоий вокзали бошлиғи Алишер Ражабов. — Шаҳарнинг 50 йиллик тўйи муносабати билан меҳмонхонанинг барча хоналари замонавий усулда қайта таъмирланиб, янгидан жиҳозланмоқда.

Йўллар

ташкilotларга етказишда соҳамизга қарашли алоқа ва почта тизимларидан фойдаланилади. Марказий кенгаш ходимлари узоғи билан бир соат ичида республикамизнинг энг чеққа жойларида фаолият юритаётган қорхона ёки ташкilotнинг қасаба уюшма кўмитаси раиси билан темирйўл телефониде болганиш имкониятига эга. Бундан ташқари, ойда бир марта сим орқали селектор

ташкilot қилинган. Барча ҳудудий кўмиталар билан фақс орқали маълумотномалар алмашиш йўлга қўйилган.

Шунингдек, қасаба уюшма фаолиятини тасдиқланган режа асосида олиб бориш, хизмат сафарлари чоғида қасаба уюшма аъзоларининг талаб-истакларини ўрганиши ва унинг ечимини жойида амалга ошириш учун ҳаракат қилинмоқда. Қасаба уюшмаларигагина хос иш усулларидан унумли фойдаланган ҳолда қорхона, ташкilot ва муассасаларнинг барқарор, бир маромда ишлашига, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга имкон даражасида ҳисса қўшилмоқда. Ва албатта, қасаба уюшмаси томонидан кадрлар ва фаолларни ўқитишга бўлган алоҳида эътибор ҳам ўз самарасини бермоқда.

— Устоз-шогирд муносабатлари яхши йўлга қўйилган тақдирдагина йўловчилар хавфсизлиги таъминланди, дея хотирламиз бўлиш мумкин. Ёшлар йили айнан шу масалага ўзгача мазмун бахш этмоқда. Умуман, жорий йилда келажак авлодга ғамхўрликда янги сифат ўзгариши юз берди, деб айтишга етарли асослар борми?

Йўллар

— Ёш авлодни она - Ватан, миллий кадрятларимиз, урф-одатларимиз ва бой меросимизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг маданий сависисини юксалтириш, маънавий оламини кенгайтириш билан биз мамлакатимизнинг порлоқ келажакига асос қўямиз. Айни пайтда компаниямизда 18 дан 30 ёшгача бўлганлар 14614 нафарни ёки умумий ишловчиларнинг 28,1 фоизини ташкил этади.

«Ёшлар йили» дастурини амалга ошириш давомида ўсиб келаётган авлоднинг хар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш жойлари ташкilot этиш, ёш оилаларнинг турар-жой ва маиший шaroитларини яхшилаш, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли маданий ва спорт тадбирларини уюштириш орқали уларнинг ҳаётга бўлган муносабатларини шакллантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртралида тахсил олаётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, иктидорли талаба ва ўқувчилар учун қасаба уюшмаларининг мазмунли ўтказиши жорий этилган. Тошкент темирйўл муҳандислари институти учун 8 нафар талабаси, Тошкент ва Самарқанд темирйўл транспорти касбхонар коллежларининг 14 нафар ўқувчилари мана

Йўллар

шундай эътиборга лойиқ бўлдилар.

Сиҳаттоҳларда саломатликларини тиклаб олаётганлар ҳам талабгина. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида компания қорхоналарида меҳнат қиляётган йигит-қизлардан 15 нафарига бепул, 52 нафарига имтиёзли, шунингдек, 28 нафар талабага профиллакторийларга имтиёзли йўланмалар ажратилди.

Бугина эмас. Қорхоналарда тузилган жамоа шартномаларининг бандлигига биноан 316 нафар кам таъминланган ёш оилаларда темирйўл муҳандислари институтининг 69 нафар талабаларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан кучга тўлиб боргани сайин, ўз-ўзидан тушунарлики, аҳолининг, шу жумладан, ёшларнинг маданий-маиший эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда. Айнан ана шу табиий жараён «Ёшлар йили» дастури руҳига сингдрилган бўлиб, йил охиригача уларнинг тўла-тўқис бажарилишини таъминлаш қасаба уюшмаларининг асосий вазифасидир. Чунки ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажакимиз, балки бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи ҳамдир.

Йўллар

қали 64507 нафар темир йўл ва транспорт қурувчилари қорхоналари ходимларининг манфаати қамраб олинган. Қабул қилинаётган тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари лойиҳаларини тевзор ва сифатли экспертизадан ўтказиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Марказий кенгашда жамоа шартномаларини экспертиза қилиш бўйича тарноқ 6 та кишидан иборат комиссия тузилган.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси билан Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмаси Марказий кенгаш ўртасида 2007-2008 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви муносабатларини бошқарувчи меъёрий даллатнома. Унда компания ходимларини ва тармоқ қорхоналаридан нафақача чиққан шахсларни ижтимоий қаролларини, компаниянинг барча тузилмалари бўлиналарида бажарилиши мажбурий бўлган меъёрлар қамраб олинган.

Меҳнат жамоаси конференциясида тасдиқланган ва компания бошқаруви раиси ҳамда Марказий кенгаш раиси Тармондиз имзоланган тармоқ келишу-

Йўллар

меҳнат қилиб, ҳозирда қарилки гаштини сураётган фахрийларимиз уч йилда бир марта тармоғимиз тасарруфидаги «Назарбек» профлакторийсига бепул йўланма олиш ҳуқуқига эгалар. Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 127 нафар қарияларимиз ушбу имтиёздан фойдаланиб, ўз соғлиқларини тикладилар. Бунинг учун ҳўжалик органлари ҳисобидан 24,9 миллион сўм маблағ сарфланди.

Узоқ йиллар самарали меҳнатлари туфайли «Фахрий темирйўлчи» нишонини билан тақдирланган, ишлаётган ёки ишламайдиган пенсионер ҳам ойда энг кам иш ҳақи миқдориде қўшимча ҳақ олиши мумкинлиги хар бир жамоа шартномасида кўрсатиб ўтилган.

Тармоқ қор-

Жамоа шартномаси амалда

Жамоа шартномаси — қорхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий ва касб-га оид муносабатларни тартибга солувчи муҳим меъёрий ҳужжатдир.

Хусусан, қорхоналарнинг иқтисодий имкониятларини инобатга олган ҳолда жамоа шартномалари орқали ишчи-хизматчиларга бандлик, иш ҳақи, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш ва бошқа кўпгина масалалар бўйича имтиёзлар бериб келинмоқда.

Хозирги кунда тармоғимиз бўйича 2007-2008 йиллар учун 64 та жамоа шартномаси ва 2 та тармоқ келишуви тузилган. Улар ор-

ви китобча ҳолатида қўйлатирилган. Амалда қўйлатилиш учун қорхоналар, ташкilotлар ва муассасаларга юборилди. Қабул қилинган жамоа шартномалари ва келишувлардаги мажбуриятларнинг бажарилиши белгиланган муддатларда муҳоама қилиб борилаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Жумладан, компания раҳбарияти ва Марказий кенгашининг ижтимоий ше-

хоналарида жамоа шартномаларини қабул қилиш ва бандларини бажариш борасида ижобий ишлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам борлигини айтиб ўтиш жоиз.

Жумладан, «Йулсервис» дирекцияси ва «Махсус» лаштирилган йўл масофаси станцияси» қорхоналарининг жамоа шартномалари лойиҳасининг мазмунини талаб даражасида эмас.

Бундай хато ва камчиликларнинг асосий сабаби айрим қасаба уюшма ташкilotлари бу масалага жиддий қарашмаепти.

Жамоа шартномаси — ишлайдиган ҳужжат. Шу сабабли уни тузаётганда барча жиҳатларни назарда тутиш даркор. Қасаба уюшма ташкilotи ижтимоий шерикчилик тамойилларига асосланиб иш бериуви билан ҳамкорликда иш олиб борса, жамоа шартномаларига киритилган бандларни бажарилишига мустаҳкам омил яратилган бўларди.

А.ҒУЛОМОВ, Марказий кенгаш бўлими мудури

Ишлайдиган ҳужжат

қали 64507 нафар темир йўл ва транспорт қурувчилари қорхоналари ходимларининг манфаати қамраб олинган. Қабул қилинаётган тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари лойиҳаларини тевзор ва сифатли экспертизадан ўтказиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Марказий кенгашда жамоа шартномаларини экспертиза қилиш бўйича тарноқ 6 та кишидан иборат комиссия тузилган.

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси билан Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари қасаба уюшмаси Марказий кенгаш ўртасида 2007-2008 йиллар учун тузилган тармоқ келишуви муносабатларини бошқарувчи меъёрий даллатнома. Унда компания ходимларини ва тармоқ қорхоналаридан нафақача чиққан шахсларни ижтимоий қаролларини, компаниянинг барча тузилмалари бўлиналарида бажарилиши мажбурий бўлган меъёрлар қамраб олинган.

Меҳнат жамоаси конференциясида тасдиқланган ва компания бошқаруви раиси ҳамда Марказий кенгаш раиси Тармондиз имзоланган тармоқ келишу-



Шахматга ўйланган

Чемпионлик учун олиб борилган 1972 йилги матч...

Энди сўнги расмий тадбир — Исландия ҳукумати...

Бобби инжиқ табиати, хархашалари билан ҳаммани...

«Кимсасиз, совуқ чўққилар» исканжасида

Жорий йилнинг 17 январ куни Рейкьявикдаги уйда шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Роберт (Бобби) Жеймс Фишер 65 ёшида буйрак хасталигидан оламдан ўтди...

барча осиеликларни Угандадан хайдаб чиқарган, Чилида харбий тўнтарийш амалга ошган...

гига ишончинг комил бўлган, шундай қилгинки, самолётни Кубага ўғирлаб кетишини.

Фишерга интиқ жўжалар

Бобби Америкага голиб сифатида кайти. Нью-Йорк эри Жон Линдси унинг шарофати дунёнинг манаман деган таниқли кишилари иштирок этган зиёфат берди.



дан кайтган «Аполлон-16» экипажи аъзоларини кутиб олиш тантанасидан кам бўлгани йўқ.

Бетийик, ўжар чемпио хали бошларига кўп галавалар солишини америкаликлар яхши тушуниб туришарди.

«Салтанат обрўси» учун уйнаётган бўлса-да у арзиманган пул учун ҳам донна сураверди.

«Совершенно секретно» ойнамаси ҳамда интернет хабарлари асосида Р.МУХАММАДИЕВ тайёрдиев

(Давоми бор)

«Совершенно секретно» ойнамаси ҳамда интернет хабарлари асосида Р.МУХАММАДИЕВ тайёрдиев

«Совершенно секретно» ойнамаси ҳамда интернет хабарлари асосида Р.МУХАММАДИЕВ тайёрдиев



Хайт шахмат демакдир

Теннис



Олдинда Ашхобод турнири

Яқинда Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида теннис бўйича ўсмирлар ўртасида Халқаро теннис федерацияси (ITF) тақвимида ўрин олган турнир якунига етди.

Мусобақа ҳамюртларимиз учун омадли ўтди. Истеъдодли корт усталари Шоғофур Шофайзиев ҳамда Пулат Бобожонов жуфтлик баҳсларида Станислав Исаев (Россия)/Артём Тарасов (Ўзбекистон) «тандем»ни финалда 6:4, 1:6, 7:6 ҳисобида мағлуб этиб, биринчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Виктор Пушкарёв голиб теннисчиларимиздан бири Шоғофур Шофайзиев ҳақида шундай деди:

— Шоғофур бу йил 17 ёшга тўлди. Теннис билан 11 ёшдан шуғулланиши бошлаган. Унинг қўлига ракетка ушлатган биринчи мураббийи Николай Шугтов бўлади.

2008 йилнинг январ ойида Бирлашган араб амирлигининг Абу-Даби шаҳрида ўтган халқаро турнирда қатнашган ёш теннисчи 26 феврал — 1 март кунлари Ўзбекистон чемпионати-нинг жуфтлик баҳсларида Рифат Биктяков билан голибликка эришди ҳамда спорт усталигига номзод талабини бажарди.

Сўнгра ўйин амалиётини ошириш учун катталар ўртасида Фарғонада ўтган «Челленжер», Наманганда ташкил этилган «Фьючерс» халқаро турнирларида иштирок этди.

Бунинг самараси ўларок, Ўзбекистон биринчилигида иккинчи ўринни эгаллади. Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ITF халқаро ўсмирлар турнирида яққалиқда қумуш медалга эришди.

Август — сентябр ойлари ҳам Шоғофур учун мусобақаларга бой тарзда ўтди. Бухоро ва Қарши шаҳарларида навбатдаги «Челленжер» турнирларида қорғта қикди.

Шоғирларимизнинг интилишлари мени қувонтирмасдан қолмайди. Бирга ишлаш бошлаганимизга кўп вақт бўлмаганига қарамай Шоғофур жорий йилда Халқаро теннис федерацияси таснифида 76 очко жамғаришга муваффақ бўлди.

Шоғирларимизнинг интилишлари мени қувонтирмасдан қолмайди. Бирга ишлаш бошлаганимизга кўп вақт бўлмаганига қарамай Шоғофур жорий йилда Халқаро теннис федерацияси таснифида 76 очко жамғаришга муваффақ бўлди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири

Бугуннинг мавзуси

Ўзбекистонда демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида инсон кадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари, ахлоқ-одоб тамойиллари ва ижтимоий адолат масалаларига нисбатан янгича қарашлар шаклланишмоқда.



Ёш оилалар фаровонлиги йўлига

Демократик жамиятнинг муҳим маънавий омилларидан бири сифатида фуқароларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетиқ, маънавий етуқлиги эътироф этилади.

Хар бир инсон оилада қамол топади, унинг онги, дунёқараши шаклланишида оилавий муҳит катта аҳамиятга эга.

Ёш оила пайдо бўлиши билан унинг олдига бири қатор муаммолар юзага келади.

Уларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2007 йил 18 май куни «Ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Ушбу фармоннинг моҳияти республикамизнинг хар бир хуудидида янги йш ўринларини ташкил этиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик фаол жалб қилиш ҳамда тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратиш, қасаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамол сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш йўли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини йўлга

қўйишда уларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга низоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишда моддий ёрдам кўрсатишдан иборат.

Ёш оила тоифасига 30 ёшдан юқори бўлмаган, биринчи марта қонуний никоҳдан ўтган ёшлар қиради ва улар фармонда кўзда тутилган имтиёزلардан фойдаланиши мумкин.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан ушбу фармоннинг бажарилиши юзасидан чора-тадбирлар белгиланиб, ижросини таъминлаш учун туманларга юборилган.

Фармонда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан шахар ва туманларда учрашувлар ўтказилди.

Жумладан, 2008 йил 1 феврал куни Наманган шаҳар 1-ФХД бўлимида, 4 апрел куни Нори тумани тиббий коллежида ўтказилган тадбирлар барчада қизиқиш уйғотди.

Ушбу учрашувлар шахар ва туман ҳокимлиги, вилоят ипотека банки, шахар хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ёш оилаларда келахакка ишончнинг мустаҳкамлайди.

Жамолдин ЭРГАШЕВ, Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

Ўжар Фишернинг залаба ва изтироблари

дёрнинг бу машҳур каломини турли шаклларда у кўп такрорлар, унга ҳамма нарса, энг аввало камералар ҳалақит бераётгандай туюлаверарди.

уэр сўради, зудлик билан Москвага учини керак экан, зарур ишлар чиқиб қолибди.

Мафқуравий жабҳа жангчиси

Рейкьявик жанги ҳақидаги иккита китобдан бири — «Бобби Фишер жангга кирмоқда»нинг муаллифи Давид Эдмонс Фишернинг ўлимидан кейин шундай деганди.

1972 йилги газета тахлаларини варақласангиз масала моҳиятини бугун биз қандай англаган бўлсак улар ҳам шундай англашганига гувоҳ бўламиз: Спасский жентлмен эди, жентлменлигича қолмоқда!

— Халқаро вазият кескинлашган бир шароитда шахмат қандай қилиб ҳамманинг диққат-эътиборидаги воқеага айланди? — сўрашди жаноб Эдмонсдан ўшанда.

— Саволингиз жуда ўринли! — жавоб қайтарди у. — Ростдан ҳам Уотергейт можароси бошланган, Ветнамда уруш аланга олаётган, Иди Амин



Фишерни муқабиллаш учунмакди

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and office details.